

МУСЛИМБЕК ЙЎЛДОШЕВ

Синимта

Ўзбекчадан, шу элдан мен келиман,
Сенга бир остидан бир келиман,
Халқимизга ҳақиқий Муслиман,
Ўзга юртимизда кўришадим,
Қўлимизга. Қўлимизга қўлимизга.



Муслимбек ЙЎЛДОШЕВ

СИЛСИЛА

Тошкент
"ADIB" нашриёти
2013

УЎК:821.512.133-1

КБК:84(5Ў)6

Й73

Йўлдошев, Муслимбек

Силсила: бадиалар/М.Йўлдошев; – Тошкент: Адиб, 2013.

– 320 б.

*Ушбу китоб орқали таниқли су-
хандон, бадий сўз устаси Муслимбек
Йўлдошевни моҳир бадианавис, шоир
сифатида яна бир бор кашф этасиз.
Мазкур тўпلامда унинг кўп йиллик
меҳнат фаолияти ва ижодга йўғрилган
ҳаёти давомида олган хулосалари, са-
боқлари ва устозу сафдошларига бўл-
ган муҳаббатидан тугилган битиклари
жамланган.*

УЎК: 821.512.133-1

КБК: 84(5Ў)6

ISBN 978-9943-4164-5-1

© М.Йўлдошев, 2013

© «Адиб» нашриёти, 2013

*Ушбу китобимни меҳрибон волидам
Муҳаммад Амин қизи Муҳаббат ҳожи онамнинг
муқаддас хотирасига бағишладим.*

Сўз боши

Ассалому-алайкум, азиз китобхон! Ушбу кун, яна бир сана муносабати ўлароқ, Сиз билан қўлингизга олганингиз китоб саҳифаларида юзма-юз турибмиз. Мен уни “Силсила” деб атадим. Сал тантанаворроқ, пафосга йўғрилганроқмасми? Йўқми? Унда раҳмат! Силсила сўзида “узвийлик” маъноси бор. Кетма – кетлик тушунчаси йўғрилган. Мен ҳам мазкур тўпламга ота-боболарим шажарасини киритдимки, ушбу узвийликдан мен дунёга келганман ва ана шу ворислик мени тарбия қила бориб, бир ижодкор сифатида шакллантирган. Бобомнинг ақлу-фаросатлилиги ва нуктадонлиги, бувимнинг китобсеварлиги, отамнинг қаламкашлигию, онамнинг сўзамоллиги... Мана шу аждодларимнинг ушбундоқ хислатларидан менинг “меним” пайдо бўлгани аниқ. Осмондан тушмаганман, ахир.

Институтга қабул қилиниб, кетма-кет телевидениега ишга кирдим. Отам ўқиган парталарда ўқидим. Ҳа-ҳа, айнан “тридцатка” тахталардан ясалган қора-жигаранг парталарда! Телевидениеда ҳам отамнинг дўстлари, сафдошлари орасида юрдим, ишладим касбини давом эттирдим. Бу ҳам ўша узвийлик, силсила.

Ўттиз беш йил бўлибди, телевидение остонасини диктор – суҳандон бўлиш арафасида босиб кирганимга. Бу давр ичида тўққизта раис алмашди. Мен улар билан ишладим. Бири мени ишга қабул қилди, иккинчиси тарбиялади, учинчиси мукофотларга тавсия қилди, бошқаси ишдан бўшаш ҳақидаги аризамга осонгина имзо қўйиб берди. Раислар силсиласи...

Мен илк ишга келганимда Ўктам Жобиров бош диктор эди. Ўн-ўн беш чоғлик дикторлар ишлар эди, ўшанда. Мен келганимдан кейин сафимиз янада кенгайди. Кейинроқ Галина Мельникова, Мирзоҳид Раҳимов, камина Муслимбек Йўлдошев, ундан кейин Раъно Жўраева, Раҳматилла Мирзаев ва ниҳоят, Абдумўмин Ўтбосаров Бош диктор бўлишди. Жами телевидение тарихида, турли даврларда 52 нафар диктор ишлаган экан. Уларнинг аксарияти билан ишлашганман, баъзиларини эса ҳатто кўрмаганман ҳам. Бу ҳам силсила. Салкам олтмиш йиллик дикторлар силсиласи.

Хулласи калом, 55 ёшга тўлишим муносабати билан ушбу китобни тартиб қиларканман, ҳаётимда менга ҳамроҳ бўлган яхши одамлар, фозил, ўз ишининг устаси, юрагида дарди бор, мақсадлари аниқ, салоҳиятли, қилар иши элга манзур бўлган инсонлар ҳақидаги маълумотларни тўпладим. Сухандонлар, шоирлар, режиссёрлар, актёрлар... Замона зайли, тарих чархпалагида уларнинг ҳаммасининг ўз навбати бор ва мен уларнинг челагидан сув ичганман, деган қарорга келдим. Уларнинг кўпчилигини сиз ҳам танийсиз. Танимаганларингизга эса мана, мен турибман!

Бунда жаъм қилинган сатрларнинг кўпи матбуотда эълон қилинган, баъзиларининг эса ҳали оҳори тўкилмаган. Униси ҳам, буниси ҳам, ўйлайманки, сизларни бефарқ қолдирмайди, зериктириб кўймайди. Ишончим комилки, мени яхши кўрганлар зерикишмайди.

ОНАИЗОРБОҒ

ХАЁЛИНГДА МЕНМАН, ОНАЖОН!

Қайларгадир термулиб қолдинг. Дилингда аллалар қофияланаётгандир? Тилингда қувончлар кучаяётгандир? Ахир, менинг жажжигина юрагим юрагинг тагида гуп-гуп этиб уриб турибди-ку? Сен ўша гуп-гупимдан қувват оласан. Кечирган дарду ташвишлар хотирангдан ювилиб, оналикдан шодсан! Ҳидингдан маст, бағрингдан ором излагувчи менга она бўлишлик қувончи бутун вужудингни қамраган. Сен энди атрофдаги воқеа-ҳодисаларга ўзгача назар ташлайсан. Тонг саҳарлаб бошланадиган юмушларинг баробарида менга исм излашдан ҳам толмайсан. Шу исм билан бир-икки чакириб кўрасан. Мабодо менинг ихтиёрсиз ғивирим шу пайтга тўғри келиб қолса, ҳали юзини ҳам кўрмаганинг – менга нисбатан муҳаббатинг яна бир олам ортиб кетади.

Сен энди қисқа бўлсин, бир фурсат топиб кўм-кўк осмонга тикилишни ҳам биласан. Хаёлингда мен бўламан. Ўрикнинг очилай деб қолган гул тугунчаларига диққат қиласан. Умрим гулларга тўлиқ бўлишини, ўзим ҳам гулдай хушсурат бўлишимни орзу қиласан.

Мен эса тинч ётмайман. Сен менга осмон чексизлигини тилаб турар экансан, мен бағрингни сиқа бошлайман. Сен чаман гулларига тикилиб турар экансан, мен сенинг гул юзингга доғлар соламан. Сен атир гулнинг ғунчасида менинг сувратимни кўриб турар экансан, мен сенинг ўндан бир гулингни кучини симириб тураман.

Сен минг бир азобда менга ҳаёт бахш этиш умидида тўлғанасан, мен эса яшашдек бахтни менга инъом қилиб турган ҳаётингга таҳлика солиб тураман.

Мен сени ўйламайман. Ўйлай олмайман. Яна бир оздан кейин... сенинг меҳр булоғи айқирган кўксингни, маст қилгувчи бўйинг анқиб турган қайноқ бағрингни истаб қоламан. Ҳозир эса, мен ўзим билан бандман, Сени ўйламайман.

Сенинг хаёлингга эса фақат – мен, менман – *Онажон!*..

1998 йил

*Мунгдуг бошим остидаги тошимниму дей?
Тош устидаги гариб бошимниму дей?
Ҳасрат суйидин кўзумда ёшимниму дей?
Ўлмакдин саъброқ маошимниму дей?*

Алишер Навоий

СОДДАНИНГ СОДДАСИ ОНАМ

Онам тенгиларнинг деярли ҳаммасининг болалиги сувга оқиб кетган.

*“Мен бир қаро кунда туғилдим,
Туғилдим шу он бўғилдим”, -*

деган мисралар худди онамнинг болалиги ҳақида ёзилганга ўхшайди. Икки ёшга етиб-етмай, ҳали тузукрок юриб кетмаган қизчанинг тақдири юртга келган очарчилик балоси билан уйғунлашиб кетади. Мурғак, норасида бола бошини меҳр билан силайдиган қўллар қора меҳнат билан банд.

Онам ва тоғам икковининг пешонасига бир жуфт калиш битиб, энди эсини таний бошлаган дамларда борликни юҳодай комига тортиб мудҳиш уруш бошланади. Тўрт йил давом этган урушнинг асоратлари узоқ йилларга чўзилади.

Уруш бошланган йилиёқ мактабни йиғиштириб қўйган онамнинг балоғатга тўлиш палласи Муқимий театри қурилишида ишлаётганларнинг ош бозорида ўтади. Обкашга осилган икки челақ иссиқ овқат онамнинг нозик белини пиштади. Қирқ кокил, тақимиға тушиб турадиган жингалак сочли мана шу очиқ юзли қизчанинг овқатига ҳамма талабгор. Савдодан тушган пулга яна масаллиқ харид қилинадию, бўш пақирларга жойланиб, обкашга илиниб, яна нозик елкаларга юк урилади. Э-э, нимасини айтасан.

Кейин турмуш, оила. Қайнона-қайнота, қайинбўйин дегандай... Бу ёқда ўн сотих ҳовли, йигирма олти сотих боғ юмушлари, вой-вўй!

Ўзини ҳурмат қиладиган ҳозирги қизларнинг миллиондан биттаси ҳам ўлса ўладики, бундай турмушга рози бўлмайди.

Содданинг соддаси онам! “Шулар менинг давлатим” деб, орқа –олдига қарамай беш болани туғиб

олади. Ҳақиқатан ҳам шундай бўлиб чиқади. Оила қуришганининг ўн тўртинчи йили, отам 36 ёшида вафот этиб кетаверади, бир уй бола билан, 30 ёшида навжувон онам йиғлаб қолаверади. “Бўғчангни ўғирлабмидим, худойим!” деб нола қилиб, кўз ёшига зўр беради. У ёғини ёзаверсам, узундан-узок роман бўлади.

Бугун онам етмиш икки ёшдалар. “Меҳнат фахрийси”, иккинчи даражали “Оналик шуҳрати” медаллари бор. Борларига шукур.

2003й.

ЯНА ОНАМ ҲАҚИДА

*Бу оламда улуг зот ким, десанг доим, онам дерман.
Ҳаётим устуни мунис, вафодорим, онам дерман.
Гул умрим машъали учмас, ҳаёлдан сурати кўчмас,
Дилимга оқ дили пайваст, мададкорим, онам дерман.
Кўзим нурию, дармоним, умид, шодлик ва армоним,
Кеча қундуз нигоҳбоним, шифокорим, онам дерман.
Она фарзандга бол бергай, муҳаббат гулларин тергай,
Ҳам ардоқлаб ҳам ўргулгай, чаманзорим, онам
дерман.*

*Узок кетсанг колар доғда, кутар бедор саҳар чоғда,
Муқаддас она тупроқда, умидворим, онам дерман.
Аё, Ёнгин, онанг эт шод, ёзиб мадҳин ва қилгил ёд,
Она бирлан ҳаёт обод, гулбахорим, онам дерман.*

Ёнгин

Мирзо.

Яратган тангри таолога, беадад шукурлар бўлсинким, менга дунёда тенги йўқ меҳру муҳаббатли онани инъом қилди. Ҳар нечукки, дунё кездим, элга қўшилдим, жаҳон оналарини кўрдим: менинг онам ортиқ бўлса ортиқ эдилар, асло кам эмасдилар.

Инсонга бериладиган ақл, меҳр, тафаккур, лаёқат, истара, матонат, малоҳат, садоқат, қўйингчи, олийжаноб

инсоний фазилат ва сифатлар борки, бари ОНАМда бадастур эди.

Фарзандини севмас онани топиш қийин. Аммо менинг онам ўз болаларини бошқалардан кўпроқ, зиёдароқ севардилар. Ўзларининг ҳазон бўлган умрлари, шодликларсиз совурилган ҳаётларининг инъикоси фарзандларида барқ уриб яшнаган гулдай, бахтларга фарқ турмушдай акс этишини орзу қилдилар. Туну кун шуни сўрадилар, илтижо қилдилар. Бетиним меҳнат, тўхтовсиз уринишларим, елиб – югуришларим билан шуни удда қиламан, деб ўзларини ўтга-чўтга урдилар. Йўлини топдилар, иложини қилдилар, йўқни йўндирдилар, борни дўндирдилар. Бировга яхши кўриндилар, бировга ёмон. Парво қилмадилар, ишлари бўлмади, бошқалар билан. Болаларни ўйладилар, ўшаларни дедилар.

Болалик – очарчилик ва уруш йилларига қурбон берилди. . . Фафур Гулом айтганидай,

***“Бошимни силашга бир меҳрибон қўл,
бир оғиз ширин сўз нондек арзанда.
Мен одам эдим-ку, инсон фарзанди?! .***

Севилиб, эркаланиб яшаладиган ёшлик ҳам ҳамин қадар. Камситилишлару хўрликлар ичида ҳам бир ёруғликни йўлчи юлдуз билиб, барини четга суриб, умид билан яшаш. Ҳаётда ўзлари эришолмаган бахтларга болаларим етсин, дердилар. Тақдир онамга раво кўрмаган неъматлар болаларида бўлишини орзу қилардилар.

Фикру зикрлари – шу хонадон обод бўлсин, қаноти остидаги жигарпораларининг бахти бекам бўлсин, деган ўй эди. Отасиз улғайган болаларим ўксимасин, етимлик нималигини билмасин, дердилар. Ишлаган ишласин, ўкиган ўқисин, қаршилиқ қилмайман дердилар. Ҳеч бўлмаса, бағрим болаларим билан тўлиб туради-ку, деган таскин билан яшадилар. Ёшлик шу кўйи ўтиб, балоғат ҳам қайин бўйнига қилинажак хизмат билан ўтди. Бунинг қанча заҳмати бўлса чидаган онамга, худо беш фарзандни бериб, турмуш ўртоғини тортиб олади. Заҳириддин Бобир айтади:



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi
<https://kitobxon.com/oz/asar/5773> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси
<https://kitobxon.com/uz/asar/5773> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию можно
найти на сайте <https://kitobxon.com/ru/asar/5773>